

Шаввол оyi рўзасининг дуоси борми?

18:00 / 23.04.2023 21039

Савол

Ассалому алайкум! Шаввол ойининг рўзасини айни дамда тутяпман. Шунда ифторлик ва саҳарлик вақтида қандай дуо ўқиш керак ёки нафл рўзанинг муайян дуоси борми? Нафл рўзасини тутиш учун ота-онадан рухсат ёки ижозат олиш шартми ва нафл рўзанинг ифторлик пайти қайси вақтгача бомдоддан бир соат олдинми ё бомдод киргунча саҳарлик қилиш мумкинми?

Жавоб

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:

Ва алайкум ассалом! Муайян дуоси йўқ. Саҳарликда рўза тутишни ният қилдим ва ифторликда Аллоҳим қабул қил, дейиш кифоя. Ота-она рухсати шарт эмас. Бомдод вақти киришидан ярим соат олдинроқ тўхтатинг! Валлоҳу аълам!